



MILLIY TIKLANISH

40 (361) ● 2015 йил 14 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерацияси Қашқадарё вилоят бўлими қошидаги БПТ 20 партия аъзосини бирлаштирган

Жорий йилнинг 9 ойи давомида маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари 1616 депутатлик сўровини амалга оширди

ЎзМТДП лойиҳаси доирасида 500 нафардан ортиқ хунараманд 10 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитга эга бўлди

Ҳамкорлик

Партия мақсад-вазифалари ижроси

янги иқтидорларни кашф этишга қаратилган

"Ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етган ёшлар эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Шундай экан, уларни нафақат жисмонан соғлом, балки дунёқараши кенг, қатъиятли қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз". Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерацияси Қашқадарё вилоят бўлимининг ижроочи директори Зафар Аллақуловнинг айтишича, вилоятда фаолият кўрсатаётган тўғарақлар мураббийларининг шиори ана шундай.

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Қарши шаҳрида 7-14 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида яққаураш спорт турлари бўйича "Миллий тикланиш" соврини учун" вилоят очик чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш баробарида уларнинг маънавиятини юксалтириш, қалби ва онига ватанпарварлик, юртга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ғояларини сингдиришга доимий эътибор қаратилган таъкидланди.

Бугунги ахборот глобаллашуви жараёнида "оммавий маданият" ниқоби остидаги турли мафкуравий ҳуружлар, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган зарарли ахборотлар, жангари ўйинлар ёшларнинг онгини заҳарлаётгани сир эмас.

> 3-бет.

Давра суҳбати



Ватан — саждагоҳ каби муқаддас

ғоясини ёшлар онига сингдириш — ЎзМТДПнинг асосий вазифаси



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

Ватан шаъни — муқаддас, қадри — улўф. Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асирида таъкидланганидек, тарих ҳақиқати шунки кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Бундай улўф туйғу Ватанга садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишга, унинг тинчлигини асрашга, халқ манфаатларини таъминлашга даъват этади. Ватанни севиш, ҳар қарич ерини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, юрт истиқболи йўлида фидокорона меҳнат қилиш ҳар биримиз учун шарафли бурч.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида миллий тикланиш, фуқароларда миллий ўзликини англаш туйғусининг уйғониши ва сингдирилиши асосий мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган. Миллий ўзликини англаш мамлакат тараққиётида, миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат ҳис-туйғусини ошириш, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашда бебаҳо ички омилдир. Партия мустақиллик ғояларига содиқ, жаҳон моддий ва номоддий меросининг ажралмас бўлаги ҳисобланмиш Ўзбекистон халқининг маданий, анъанавий, миллий ва маънавий қадриятларини чуқур эъзозлайдиган ватанпарвар инсонларни ўз сафида бирлаштиради, улар манфаатини ифодалайди.

> 2-бет.

Семинар

Ишончли ҳамкорлик

тадбиркорлар ҳамда ёшларнинг ЎзМТДП ва тижорат банкларига бўлган хайрихоҳлигини оширмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, "Капитал банк" ва "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банклари ҳамкорлигида "Хусусий мулкни ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида семинар ташкил этилди.

Жорий йилнинг август ойида кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" - ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилган семинар долзарб мавзудаги маъруза ва амалий мулоқотлар асосида ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, "Капитал банк" ва "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ходимлари,

тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарма бошлиғи ўринбосари Мухтор Шоназаров мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ва кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Кучли миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ма-

ҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хунарамандларни қўллаб-қувватлашни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда тижорат банклари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик бу борадаги саъй-ҳаракатларга яқин кўмакдош бўлмоқда. Жумладан, ЎзМТДП ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика "Хунараманд" уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунарамандчилиқни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусидаги лойиҳа асосида 500 нафардан ортиқ хунараманд ва оилавий тадбиркорга 10 миллиард сўмга яқин имтиёзли банк кредитлари ажратилиб, 1 ярим мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар йиғилганларга мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида атрофлича маълумот берди.

> 4-бет.

Таҳлил

Маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши табиий ва зарур. Бунинг натижасида сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари юзага чиқади, партия нуқтаи назари, электорат манфаатлари ифода этилади. Бу жараён, ўз навбатида, депутатлардан ижтимоий-сиёсий хабардорлик, малака, фаоллик ва ташаббускорликни талаб қилади.

Партия гуруҳлари ташаббускорлиги

электорат ишончини оқлашнинг бош мезони

Модомики шундай экан, маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолияти ҳам партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш, дастурий мақсадларимизни, электорат манфаатларини ҳоқимият вакиллик органларида муносиб ифода этиш, ҳимоя қилишга қаратилиши лозим. Бу эса, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари зиммасига катта масъулият юклайди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратишда партия гуруҳларининг роли ва ўрнини янада кучайтиришга мунтазам равишда эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг натижасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини танқидий-таҳлилий ўрганиш ва муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилгани ва у ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Партия Марказий кенгаши маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳларининг ҳар ойлик, уч ойлик, ярим йиллик ва йиллик фаолиятини таҳлил қилиб боради.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Мувозанатнинг мангу мили

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида таъкидланганидек, ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва аҳамияти, ҳеч шубҳасиз, бениҳоят салмоқлидир



> 6-бет.

Ирландия парламенти

икки палатали бўлиб, Вакиллар палатаси Сенатга нисбатан кўпроқ ваколатга эга



> 7-бет.

Ёғочга жило бериб...

ёхуд Хоразм ёғоч ўймакорлик мактабининг "устоз-шогирд" аънаналари хусусида



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

Давра суҳбати

Ватан — саждагоҳ каби муқаддас

Ғоясини ёшлар онгига сингдириш — ЎЗМТДПнинг асосий вазифаси



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорликда ўтказган "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" мавзусидаги давра суҳбатида она Ватанга муносиб бўлиш, ватанпарварлик ва фидойилик ҳақида сўз борди. Унда ЎЗМТДП Марказий кенгаши ва фракцияси аъзолари, партия Марказий, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти кенгашлари девони ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ҳамда Мудобаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вакиллари иштирок этди. Очик мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, депутатлар ва ёшлар навқирон авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари самардорлигини ошириш ҳақида фикр юритдилар.

Давра суҳбатини ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолддин Сафоев кириш сўзи билан очди.

— Ватан ҳақида гапирганимизда, энг аввало, кундан-кунга гуллаб-яшнаётган, тобора чирой очиб бораётган диёримиз, шаҳару қишлоқларимиз кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу янгилашиллар, бунёдкорлик ишлари, ўтган қисқа даврда эришилган натижалар истиқлол шарофатидир. Мустақиллик туфайли биз ўз миллий давлатимизга, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрнимизга, ўз бойликларимизга ўзимиз эгаллик қилиш ҳуқуқига эришдик. Топталган қадрият ва аъналаримизни, дину дёнлатимизни тикладик, унутилган буюк аждодларимиз номи, мероси ва қадрини ўз ўрнига қўйдик. Энг муҳими, халқимиз онги ва тафаккури тубдан ўзгарди, овоз миллат, халқ сифатида ўзлигини намоён қилишга беқийс имкониятлар яратилди. "Юрт тинчилиги, Ватан тарққиёти, халқ фаровонлиги" умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бириктиришга асосланган Ўзбекистоннинг тарққиёт йўлини қўллаб-қувватлаб фаолият олиб бораётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси юртдошларимизда миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланган



мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини, миллатлараро ва динлараро тотувлигини ҳамда ўзаро тушунишни янада мустаҳкамлашга партия бор куч ва имкониятини сарфбар қилаётди. Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб бораётган, партиямиз ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланиши миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл деб ҳисоблайди. Худди ана шу сиёсий йўл ва маслакни қўллаб-қувватлайдиган, миллий манфаатларимиз ва қадриятларимиз учун курашадиган, ватанпарвар фуқароларни маслакдошларимиз сафига қўшиш асосий мақсадимиз. Шу боис ташкил этаётган очик мулоқот, давра суҳбатлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда юрт тақдири учун дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун ҳар бир ҳамюртимиз мураккаб геосиёсий вазиятда ҳар қачонгидан ҳам кўра оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраш, саодатли кунларнинг қадрига етиш, мамлакатнинг янада фаровон бўлишида бор куч, билим ва салоҳиятини аямаслик фуқаролик бурчи эканини чуқур англаб етмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" асариди "Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин", дея таъкидлаган. Дарҳақиқат, истиқлол йил-

ларида ўсиб келаётган ёш авлодни ўз Ватанига меҳр-муҳаббатли, юртга содиқ, баркамол, билимдон, қомил инсонлар этиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақиллиқнинг ўтган қисқа даври мобайнида буюк алломаларга бешик бўлган, инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган юртимиз асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамадан, истиқлол йилларида 5,5 баробардан кўпроқ ўсди. Аҳолининг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайди. Одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Юртимиз дунёдаги энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан кам бўлмайд келаётганини ўзи Ўзбекистоннинг бугуни ҳам, келажак ҳам буюклигидан, унинг эртанги кўни бўлган ёшларнинг истиқболи порлоқ эканидан далолатдир.

Бугун мамлакатимизда илм оламан, касб-хунар эгаллаб, ўз истеъдодимни намоён этаман, деган ёшлар учун барча шароит мўҳайё. Юртимизда амалга оширилаётган муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар асосида юз бераётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқлар замирида истиқлол берган имкониятлар муҳасаса. Буларни кенг аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдиришда ЎЗМТДП фаоллари ташаббускор бўлиши талаб этилади. Бу эса партия зиммасига масъулиятли вазифаларни юқлайди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида таъкидлаганидек: "Шу борада бизнинг асосий вазифамиз — мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорига ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир. Бугунги кунда иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга

ошириш, саноатимизни диверсификация қилиш, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор".

Тадбирда қайд этилганидек, юқоридаги вазифаларни амалга оширишда эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгича қарайдиган, буюк ишларга қодир куч — бугунги ёш авлод муҳим роль ўйнайди. Зеро, юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар — камида икки-учта касб-хунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни қамол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аъналарига чуқур меҳр-хурмат, эҳтиром уйғотиш каби устувор вазифалар белгиланган. Уларни амалга оширишда партия фаоллари қатор амалий савий-ҳаракатларни олиб бораётди. Айниқса, партия "Ёшлар қаноти"нинг "Юртим тарихини ўрганаман" шiori остида "Тарихдан садо бергувчи обод гўшалар" акцияси доирасида Тошкент шаҳридаги "Оқтепа" тарихий ёдгорлиги, "Хайр-робоҳ эшон", "Шайх Хованди Тоҳур", Сурхондарёдаги "Султон Саодат" мажмуаси, Ҳаким ат-Термизий макбараси, Қирқ қиз меъморий ёдгорлиги, Ёлдоғондаги "Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний" каби 200 га яқин тарихий қадимжоларда ободонлаштириш ишлари олиб борилади.

Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши, ўз навбатида, ёшларнинг тарихий меросимизга, аждодлар хотирасига, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбия топиши, ватанпарварлик, юртга садоқат каби юксак туйғуларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир иштирокчилари эътироф этганидек, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачигидек асраб-авайлаш асосий бурчимиздир. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 4 мингдан зиёд моддий-маънавий ёдгорлик бўлиб, уларнинг аксарияти умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Миллионлаб инсонларни ҳайратга солиб келаётган мазкур обидаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, аждодларимиз қурган бетакрор меъморий обидаларда муҳасаса бўлган маданий меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва келажак авлодларга бос-бутун етказиш муҳим аҳамиятга эга вазифадир.

Қизгин мулоқотлар остида ўтган давра суҳбати якунида бу каби учрашувларни ЎЗМТДПнинг барча ҳудудий ташкилотларида ўтказишга келишиб олинди.



Ҳусниддин РАЖАБОВ, ЎЗМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси девони бўлим бошлиғи:



— Ўзининг миллий давлатчилик тажрибаси, маданий ва маънавий меросини ўрганмаган, ўзлаштирмаган халқ миллий тикланишга қодир эмас. Партиямиз сайловолди Платформасида белгиланганидек, биз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда олдимизда турган вазифаларни миллий ўзлигини англаш ва миллий тикланиш воситасида муваффақиятли ҳал эта оламиз.

Бугунги давра суҳбатида биз учун нияҳатда муҳим ва долзарб бўлган мавзу ўртага ташланди. Чунки Ватан, ватанпарварлик деган улуг тушунчалар кенг қамровли, уни намоён этиш йўллари ҳам кўп. Партиямиз дастурий мақсад-вазифалари ижросига хизмат қилувчи бу каби тадбирлар сонини янада кўпайтириш, қамровини кенгайтириш, уларда ёшлар ва катта авлод вакиллари мулоқотларини ташкил этиш, навқирон авлодни ватанпарварликка қорловчи амалий машғулот ва сўровномалар ўтказиш сафимизга қилиш, хусусан, ватанпарвар ва фидойи аъзоларни кенг жалб қилишга хизмат қилади.

Саидакром ҒАНИЕВ, Мудобаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Сергели туман кенгаши раҳбари:



— Ўзлигини англаган инсон агар у аскар бўлса, Ватанимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қилади, агар у олим бўлса, буюк аждодларимиз илмий хазинасини бойитишга муносиб ҳисса қўшади. У спортчи бўлса, юрт байроғини, халқ шаънини кўкларга кўтаради. Бунга яна кўп мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформаси билан танишиб, партия мақсадлари бизнинг ташкилотимиз фаолияти билан ҳамоҳанглигини англадим. Сайловолди Платформасининг, айниқса, ёшлар масаласига қаратилган йўналишида белгиланган навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш, уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларини эъзозлаш руҳида вояга етказиш вазифаси муҳим ва аҳамияти юксак. Шу руҳда тарбия толган инсонгина буюк ишларга қодир бўлади, Ватан ва ўз тақдирини муштарак англай олади. Давра суҳбатида бу каби ҳамкорлик ишларини янада кучайтиришга, бу борада партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйишга келишиб олдик.

Ёқутхон ЮСУПОВА, ЎЗМТДП фаоли:



— Инсон қалбида шундай туйғулар бўладики, уни сўз билан ифодалаш қийин. Ватанпарварлик ҳам худди шундай. Бу туйғуни, Ватанга бўлган муҳаббатни гўзал ташбеҳларда эмас, амалий ишларда кўриш мумкин. Бугун навқирон авлоднинг ватанпарварлиги, юрт келажакига дахлдорлигини намоён этиши учун барча имконият етарли, шароит мўҳайё. Биз ёшлар юртга бўлган муҳаббатимиз, садоқатимизни ўқиш ва иш фаолиятимиздаги ташаббускорлигимиз, етук мутахассис бўлиб етишимиз, жамоат ишларидаги иштирокимиз ва ижтимоий-сиёсий фаоллигимиз билан намоён этамиз. Она диёримизда навқирон авлод учун яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш, унинг ривож ва тарққиётига наф келтириш, давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиш ватанпарварликнинг оддий ва амалий намунасиридир.

ЎЗМТДП ташаббуси билан ташкил этилган бугунги давра суҳбати, айниқса, биз ёшлар учун фойдали бўлди. Таъкидланганидек, ватанпарварлик — бу ғоя. Агар ғоя халқ онгига сингдирилса, у буюк кучга айланади. Миллий тикланиш ва ватанпарварлик ғоясини тарғиб этишда ана шу мезонга таяниш лозим. Зеро, Президентимизнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир" китобида таъкидланганидек: "Ўзимиз истаган замон учун курашиш, керак бўлса, ўзимизнинг бутун борлигимизни бершимиз лозим. Шундай интилиш билан яшасак, нафақат ўз ҳаётимиз, балки келажак авлодларимиз ҳаётини, уларнинг эртанги кўнини ўзимиз, ўз қўлимиз билан барпо этган бўламиз".

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

21 октябрь — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 26 йиллиги муносабати билан ЎЗМТДП Навоий шаҳар кенгаши ҳамда Мағнавий тарғиботи маркази шаҳар бўлими ҳамкорлигида "Тил — миллат ифтихори" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия вилоят ва шаҳар кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Истиқлол йилларида она тилимизга маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик сифатида қаралиб, нутқ маданиятини ривожлантириш, адабий тил меъёрларни бузилишига қарши чора-тадбирлар белгилаш, давлат тилининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўналишида кенг қўламли иш-

лар амалга оширилди, — деди ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анаора Бобомуродова. — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси давлат тилини бойитишга кўмаклашмиш, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш,

Тил — миллат ғурури

оммавий сўзлашувда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларининг бузилишининг олдини олишга қаратилган вазифаларни амалга оширишни ўзининг устувор мақсадларидан бири деб билади. Бугунги давра суҳбати ҳам ана шу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбек тили миллий қадрият ва аъналаримиз замирида тарққий этмоқда. Конституциямизнинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир", деб белгилаб қўйилган. Истиқлол шарофати билан дав-

лат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимликларнинг ҳужжатлари, қорхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, ишлаб чиқариш ҳужжатлари давлат тилида юритилиши бошланди. Мустақил тарққий йилларида ўзбек тилининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Бу эса тилимизнинг янада раванқ топишига, халқимизнинг урф-одатлари, аъналарини тикланишига замин яратди. Она тилимизга давлат тили мақоми берилиши тилимизнинг ҳуқуқини, элимининг қадрини тиклади.

Давра суҳбатида истиқлол йилларида ўзбек миллий ҳужжатчилигининг ягона давлат андозалари яратилганлиги, давлат тили борасидаги қонунчиликнинг ҳаётга татбиқ этилишидаги ютуқлар эътироф этилди. Шу билан бирга, кўча ва бекатлардаги айрим эълон, ёзув ва жой номлари имловий-орфографик хатолар билан ёзилаётгани, имло қоида ва меъёрларига риоя этилмаётгани таъкидланди.

— Тўғри, ўзбек тилининг асоси саналган шевадар адабий тилининг ривожланиши ва тарққий этишида муҳим ўрин ту-

тади, — деди тадбирда сўз олган 2-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги партиядан сайланган депутат Клара Турсунназарова. — Бирок, алоҳида шеванинг ўзбек адабий тилида бемалол ва мунтазам ишлатилиши умумэтироф этилган адабий тилга салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Жумладан, кинолардаги диалоглар, айрим радио ва телебошловчилар ҳамда мактабга таълим муассасаларидаги тарбиячиларнинг худудга хос бўлган шевадан фойдаланишлари ўсиб келаётган ёш авлод нутқида таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Нутқ маданиятини ошириш борасидаги назарий ва амалий ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш,

бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш лозим. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлодга она тилини пухта ўргатиш, уларни тилимизга хурмат руҳида тарбиялаш ва бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш ҳамда иқтидорини юзага чиқариш, аввало, биз маърифат ва маънавият ходимларининг бурчидир.

Давра суҳбатида давлат тилининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш, бу борадаги қонунчилик ижросини таъминлаш, уни ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этиш борасида ЎЗМТДПнинг ролини янада кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ўралои ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Партия мақсад-вазифалари ижроси

янги иқтидорларни кашф этишга қаратилган



< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Фарзандларимизнинг бу иллатлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун улар калби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини янада кучайтириш зарур. Халқимизнинг миллий спорт тури — ўзбек жанг санъати инсон саломатлигини мустаҳкамлаб, уни ўзлигини англаш, миллий қадриятларимиз, тарихимиз, буюк аждодларимизга ҳурмат, юртни севиш руҳида тарбиялашни тарғиб қилади. Қашқадарё вилоятида ушбу миллий спорт тури билан икки мингдан зиёд ёшлар шугулланмоқда. Мусобақа ва чемпионатларда ўз иқтидорини намойиш этган ўғил-қизлар терма жамоага жалб қилинмоқда. Улар халқаро миқёсдаги турли беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётди. Яқинда Жанубий Кореяда ўтказилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнир ҳам ана шундай мусобақалардан бири бўлди. Унда Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Россия, Қозғистон, Беларусь сингари давлатлардан элликка яқин спортчи иштирок этди.

— Икки йилдан буён ўзбек жанг санъати спорт тури билан шугулланман, — дейди мусобақа ғолиби, Қарши туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Махзуна Қудратова. — Жанубий Кореядаги мусобақа ҳаётимдаги илк халқаро турнир сифатида муҳрланди. Бутун турнир давомида “мендан улкан натижаларни кутаётган Ватанимнинг ишончини оқлашим керак” деган ўй-ҳаяжон мени тарқ этмади. Мусобақадан олтин медал билан қайтдим. Келгусида ҳам яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда бор куч, билим ва салоҳиятимни Ватанимиз равнақи йўлида сафарбар этишни ният қилганман.

Бошлангич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сифининг кенгайиб боришида муҳим омили бўлаётди. Бу эса “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги маҳсулотлар тури кўпайишига замин ҳозирламоқда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқиндан бошлаб миллий ёрлиқ остида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар сони яна биттага кўпайди. “Surxon Termiz Chinni” корхонасида йилга 8 миллион донагача сифатли чинни маҳсулотлари тайёрланмоқда. Айни пайтда корхонада 150 ишчи меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 88 нафари хотин-қизлардан иборат.

— Ишлаб чиқараётган 14 турдаги маҳсулотимиз сифатли ва харидордир, — дейди корхона ижрочи директори, ЎзМТДП фаоли Рустам Неъматуллаев. — Ҳозирги вақтда маҳсулотимиз фақат ички бозорга чиқарилаётган бўлса-да, келажақда уларни хорижа ҳам экспорт қилишни режалаштирялмиз. Чин-

Таъкидлаш керак, Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро турнирда Қашқадарё вилоятидан яна уч спортчи юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Ўсмирлар ўртасида 60 килограмм вазн тоифасида Миржаҳон Раҳмиддинов, 44 килограмм вазн тоифасидагилар баҳсида Шермухаммад Ёрбўтаев шохсупага кўтарилган бўлса, 40 килограмм вазн тоифасида Нуржон Темиров кумуш медал билан тақдирланди. Бу мамлакатимизда ёшларнинг мазкур спорт тури билан мунтазам шугулланишлари учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Истиқлолимизнинг 24 йиллигига бағишланган ушбу вилоят очик чемпионатида юздан зиёд иқтидорли спортчилар куч синашди. Унда 20 вазн тоифаси бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Мусобақада Жанубий Кореядаги халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этган спортчилар кўргазмали чиқишлар орқали ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этди.

— Мазкур мусобақадан кўзланган мақсад ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадри-

ятларимизга ҳурмат туйғуларини сингдиришдир. Қолаверса, миллий спорт тури билан шугулланаётган ўғил-қизларимиз сафини кенгайтириш ҳам муҳим вазифаларимиздан, — дейди Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерацияси вилоят бўлимининг ижрочи директори Зафар Аллакулов. — Олиб борилган амалий саъй-ҳаракатларимиз натижасида охириги икки йилда вилоятимизда ўзбек жанг санъати билан шугулланувчилар сони 3 баробар кўпайди. Айни кунларда мамлакат биринчилигида тўлиқ таркиб билан иштирок этаймиз. Ўзбек жанг санъати нафақат спорт мусобақаларида иштирок этаётган вилоятимиз вакиллари сафини кенгайтди, балки навқирон авлод вакиллари нисмонан соғлом бўлиб вояга етишларида ҳам хизмат қилаётди. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши билан яқин ҳамкорлик, мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Партиянинг ҳар бир тadbиринида ўзбек жанг санъати тарғиботига бағишланган тарқатма материаллар, видеороликлар намойиш этилаётди. Улардан ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда кенг фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерациясининг соғлом ҳаёт тарзини тарғиб этиш, ёшларни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг мақсад-вазифаларига ҳамма-халқ. Чунки партия улғайиб келаётган навқирон авлод вакиллари нисмонан ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялашга миллий тараққиётнинг энг муҳим омил, деб қарайди. ЎзМТДП жисмонан, маънан ва ақлан соғлом авлодни вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг қўламда спорт билан мунтазам шугулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий спорт турларини қайта тиклашга, ёшларни уч босқилик тизимдаги оммавий спортга — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва



Универсиада мусобақаларига жалб этишни янада ривожлантиришга, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида қарайди. Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерацияси билан йўлга қўйилган ҳамкорлик партиянинг соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги мақсад-вазифаларининг амалий ифодасидир.

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси билан йўлга қўйилган ҳамкорлик имкониятларимизни анча кенгайтди, — дейди Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерацияси вилоят бўлими қoшида ташкил этилган бошлангич партия ташкилоти фаоли Зафар Курбонов. — Буни партия аъзоси бўлган йигит-қизларнинг спорт тўғаракларимизга мунтазам қатнаётганидан ҳам билиш мумкин. Партиянинг миллий спорт турларини ривожлантиришга қаратаётган эътибори ёшларни ўзбек жанг санъатига қизиқишларини янада оширмоқда. Шу маънода эришаётган муваффақиятларимизда партиянинг ҳам муносиб хиссаси бор. Ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни мард, иродали ва қатъиятли этиб вояга етказиш борасида ЎзМТДП билан ҳамкорлигимиз изчил давом этади. Бу эса миллий спортимизни янада оммалаштиришга хизмат қилади.

20 нафар партия ғояларига хайрихоҳ аъзолардан иборат мазкур куйи бўғин ЎзМТДПнинг соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилишга қаратилган мақсад-вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилишда ҳам фаол иштирок этаётди. Мунтазам равишда спортнинг ёшлар камолотидаги ўрни, бу борада болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийларининг вазифалари, соғлом авлодни тарбиялаш йўналишида ЎзМТДП зиммасига олган мақсад-вазифалар ижросига бағишланган турли илмий-амалий семинарлар ташкил этилади. Бу семинарлар ЎзМТДП ва Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерациясининг жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялашга қаратилган муштарак мақсадлари ижросига хизмат қилаётди.

Ҳасан САЛОМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Миллий маҳсулотлар сифатини ошириш — муҳим вазифа

бу жараёнда ташкилот қoшидаги куйи бўғин аъзолари фаол иштирок этаётди

ниларга безак бериш, маҳсулот турини кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватини ошириш эвазига яна 35-40 иш ўрни яратишни ният қилганмиз. Бу корхонамизнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиради, маҳсулот сифатини оширади. Зотан, жаҳон бозоридан харидор топиш, рақобатга киришишнинг биринчи шарт сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бу жаҳон бозоридида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остида тайёрланган маҳсулотларга бўлган талабни янада оширади. Корхонанинг ана шу таъйин асосида ишлаши ЎзМТДПнинг миллий бозорни сифатида таъминлашга қаратилган мақсад-вазифаларига ҳамма-халқ. Зотан, ЎзМТДП миллий бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирини ўзининг устувор мақсад-вазифаси деб билади. “Surxon Termiz Chinni” да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар партиянинг мазкур вазифаси ижросида муҳим аҳамият касб этади. Корхонада пахта тасвири туширил-

ган 14 турдаги маҳсулот маҳаллий шароитда, сурхондарёлик ўғил-қизлар қўлида сайқал топаётди. — Ўз қўлларимиз билан тайёрлаётган бундай бежирим ва сифатли чинни маҳсулотларини соҳамизнинг ҳар бир хонадонидида кўриб, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади, — дейди корхона қoшида ташкил этилган бошлангич партия ташкилоти фаоли Муниса Мажишова. — Ота-боболаримиз қадимдан кулолчилик, сопол буюмларни тайёрлашда тенгсиз бўлган. Биз эса чинни маҳсулотларини тайёрлаямиз. Бу бобомерос касбнинг замонавий кўринишидир. Олов тафтида пишиб етилидиган бундай маҳсулотлар шу корхонада ишлаётган тенгдошларимнинг меҳнати самараси. Бундай бежирим, бетакрор чиниларни ишлаб чиқаришда менинг ҳам хиссам борлигидан фахрланаман.

Таъкидлаш жоиз, корхонада ЎзМТДП хайрихоҳлари кўп. Шунинг учун ҳам корхона қoшида ташкил этилган мазкур куйи бўғин партия ғоялари тарғиботида фаол иштирок этиб келаётди. Мунтазам ра-

вишда партиянинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалари мазмун-моҳияти, уларни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган тадбирлар ўтказилади.

Бошлангич партия ташкилоти маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳам мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Куйи бўғин фаоллари учрашув ва давра суҳбатларида ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этаётди. Уларнинг ёшлар, хотин-қизларни иш билан ташминлаш, тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётганларга кредит ажратишни тақомиллаштириш борасидаги тақлифлари депутатлар воситасида маҳаллий Кенгаш сессияларида муҳокама этилди. Бундай фаоллик куйи бўғиннинг иш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, партия дастурий мақсад-вазифалари ижросида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳасан ФАРМОНОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Ёшлар тарбияси — миллий тараққиёт гарови

партия тадбирларида ана шу ғоя кенг тарғиб қилинмоқда

Сурхондарё

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мустақил фикрлайдиган, Ватан ва халқ манфаатлари билан яшайдиган, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, интеллектуал салоҳиятга эга, ўз ишининг етук мутахассиси бўлган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ёшлар келажаги буюк мамлакатни барпо этишга қодир. ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан Термиз давлат университетида “Биз — машхур юртининг мағрур ёшлари” мавзусидаги тадбирда шу ҳақда сўз борди. Тадбир ЎзМТДПнинг жамиятга ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган тарғибот тадбирлари доирасида ташкил этилди.

— Бугун халқимиз эришаётган улкан муваффақиятларни бутун жаҳон тан олмоқда, — деди ЎзМТДП вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси Раъно Худойкулова. — Ёшларимизнинг дунёқарашини, иқтидори юксалаётгани, фан-таълим, маданият ва спорт соҳаларида қўлга киритаётган ютуқлари навқирон авлодга қаратилаётган эътибор самарасидир. Биз агар юртимиз ва вилоятимиз тарихини қанчалар чуқур билсак, ота-боболаримиз қолдирган моддий ва номоддий мерос аҳамиятини теран англаб, тарғиб-ташвиқ қилсак, миллий қадриятларимизни асраб-авайласак, бугунги тинч ва фаровон кунларимизга шукрона келтирсак ва бунини ёшларимизга тўғри етказса олсак уларда буюк аждодларимиздан фахрланиш, юрт шаънини ютук ва муваффақиятлар билан янада юксакликка кўтаришга катта рағбат уйғотган бўламиз. Зеро, бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини кучайтириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи ва чуқур билимга эга ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш каби кенг қўламли мақсад-вазифалар белгиланган.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Қашқадарё

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши “Чақар” маҳалла фуқаролар йиғинида “Тинчликни асраб авайлаш — энг муқаддас бурч” мавзусида давра суҳбати ташкил этди. — Йигирма тўрт йил тарих учун жуда қисқа муддат, бироқ унинг замирида асрларга тенг бунёдкорлик мужассам, — деди халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Лазиз Расулов. — Бу эса мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, қўлга киритаётган ютуқларимизнинг туб моҳиятини англаб етишга ундайди. Жумладан, доимо сергак, оғоҳ ва хушёр бўлиб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Партиянинг бу каби тадбирларини мунтазам ўтказиши навқирон авлод вакиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларини кенг тушунтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, юрт келажагига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган соғлом авлод қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир сўнггида “XXI аср фитнаси” фильми намойиши иштирокчиларни маҳаллада, оилада, фарзанд тарбиясида янада эътиборли бўлишга ундади.

Қорақалпоғистон

ЎзМТДП Шуманай тумани кенгаши Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросидаги табрик сўзи мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ташкил этди. Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини, ўтган давр мобайнида халқимиз қўлга киритган улкан ютуқларнинг моҳияти ва аҳамиятини, содда қилиб айтганда, кеча ким эдигу бугун ким бўганимизни юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Юртбошимизнинг байрам табригидаги мақсад-вазифаларнинг маъно-мазмунини англаш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳар биримизнинг биринчи қалдаги вазифамиздир. Давра суҳбатида бугунги кунда барча соҳада қўлга киритилган салмоқли ютуқларни ҳаётини мисоллар, факт ва рақамлар, нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказларининг эътирофлари асосида кенг жамоатчиликка, партия иштироки қатлами ва электоратига етказиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Сирдарё

Истиқлол йилларида эришган муваффақиятларимиз, маънавий-маърифий соҳадаги янгиланишлар ЎзМТДП Оқoлтин туман кенгашида ўтказилган “Юксак маънавиятли ёшлар — Ватан келажаги” мавзусидаги давра суҳбатида ҳам кенг муҳокама этилди. Тадбирда ёшлар эртанги кунимиз таянчи, Ватанимиз тараққиётини белгилаб берувчи асосий куч экани, ёш авлод тарбияси ва камолоти, миллий тараққиётимиз гарови бўлиши алоҳида эътироф этилди.

— ЎзМТДП ёшларини ватанпарвар, миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим, касб-ҳунар эгаллашга рағбатлантириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори, — деди партия Оқoлтин туман кенгаши раиси А.Хикматов. — Шунингдек, партия ўз Ватанини севган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси деб билади. Бугунги тадбир воситасида ана шундай ёшларнинг кашф этилгани янада аҳамиятлидир.

Тадбирда жаҳон миқёсида глобаллашувнинг ҳар томонлама чуқурлашуви ва ахборот-коммуникация технологияларининг тақомиллашиб бориши жараёнида миллий маданият, қадриятлар ва азалий анъаналарни сақлаб қолиш масаласи долзарб аҳамият касб этаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада партия олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Бухоро

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан “Оналар ва болалар саломатлиги — давлат ҳимоясида” мавзусидаги тадбир ташкил этилди. Унда партия вилоят кенгаши аъзолари, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, хотин-қизлар ҳамда тиббиёт муассасаларидаги бошлангич партия ташкилотлари аъзолари иштирок этди.

— Халқимиз азалдан фарзанд саломатлигига, унинг билим олиши ва касб эгаллашига, маънавий-ахлоқий тарбиясига алоҳида аҳамият қаратиб келган, — деди партия вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Гулчехра Шарипова. — Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтиришда оила муҳити, энг аввало, оналарнинг бекиёс ўрни бор. Бунинг учун биз хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишимиз, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтиришимиз лозим. Партия ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсад-вазифаларимиз ижросида муҳим аҳамият касб этади. Зотан, соғлом авлодни тарбиялаш умуммиллий вазифадир.

Тадбирда таъкидланганидек, жисмонан ва маънан соғлом авлоднинг дунёга келиши, вояга етиши ҳар бир хонадон учун чинакам бахт. Чунки фарзанд отананинг эртанги кунини, умиди ва ишончидир. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси бу борадаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, оналарнинг тиббий маданият борасидаги билим савиясини янада ошириш тарафдори. Зотан, соғлом фарзанд оилани мустаҳкамлайди, мустаҳкам оила эса жамият тараққиётини белгилайди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Тахлил

Партия гуруҳлари ташаббускорлиги

электорат ишончини оқлашнинг бош мезони

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бунда кўрсаткичлар ўзаро қиёсланиб, муҳокама қилинади. Натижада, қайси партия гуруҳининг иш самарадорлиги қай даражада эканлиги яққол намоён бўлади.

Тахлиллар 2015 йилнинг III чорагида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари кўрсаткичлари I ва II чорақдагиға нисбатан сезиларли даражада ўсганлигини кўрсатмоқда. Демак, партия гуруҳлари аъзолари ўз ваколатидан унумли фойдаланишга интилаётир. Партия ташкилотлари ва гуруҳлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳар бир депутат, энг аввало, электорат ва аҳоли ишончини оқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши зарур. Шундагина унинг фаолияти самарали бўлади. Ўз навбатида, бунга партия гуруҳларидаги уюшқоқлик, бир ёқадан бош чиқариб ишлаш орқали эришилади. Партия гуруҳлари фаолиятини партия Марказий кенгаши доимий тарзда тахлил этиб бораётгани эса депутатлари янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомидаги ЎзМТДП депутатларининг фаолияти ўрганилганда, партия сайловолди Платформаси ижросига қаратилган бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилгани яққол намоён бўлди. Жумладан, айна пайтга қадар электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 1616 депутатлик сўровини амалга оширган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 864 та кўп.

Қувонарлиси, партиядан сайланган депутатлар аввалгидек фақат фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар, шикоятлар билан чекланиб қолмай, балки ўз ваколатларидан унумли фойдаланиб, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича тегишли мансабдор шахслардан улар масъул бўлган ишлар юзасидан асосли маълумотлар, ҳисоботлар тақдим этилишини ҳам назорат қилмоқда. Натижада қонун ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 511 депутатлик назорати амалга оширилган. Деярли барча маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2014 йил 11 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари тармогини кенгайтириш ҳолати ва истиқболлари, уларни педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда мазкур муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарори, “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ҳудудлардаги ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот беришни сўраб, тегишли мансабдор шахсларга сўров юборган. Депутатларимиз бу каби назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш орқали соҳалар ривожига ҳисса қўйишга интилмоқда.

Мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва аҳоли ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқани йўлга қўйишда энг таъсирчан усуллардан ҳисобланади. Унда ҳоким ва унинг ўринбосарлари, ташкилотлар раҳбарларининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган ишлари кенг муҳокама этилади. 2015 йилнинг 9 ойи давомида партия гуруҳлари ва депутатлар ташаббуси билан 496 нафар мансабдор шахсининг ҳисоботи тингланди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан олганда, бу кўрсаткич 236 га кўпайган.

Партия электорати манфаатларига доир 218 таклиф халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишлари, 37 ташаббус-масала сессиялар кун тартибига киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Бу эса ЎзМТДП гуруҳларининг давлат ва жамият ҳаётига оид масалаларни ҳал қилишдаги иштироки янада кенгайётганидан далолатдир.

Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг бу борадаги фаолиятига амалий ёрдам бериш мақсадида ЎзМТДП Марказий кенгаши 2015 йил март ойида “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари кун тартибига партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар асосида олиб чиқилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан таклифлар концепцияси”ни ишлаб чиқди ва ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларига юборди. Хозирда ушбу масалаларни партия гуруҳлари босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Жумладан, якунланган III чорақда партия дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бир қатор ташаббус-масала сессиялар кун тартибига олиб чиқилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи киритган

“Тошкент шахрида ўтказилаётган тўй-ҳашам, маросим ва унга доир турли оилавий тадбирларда исрофгарчилик ва даб-дабабозликнинг олдини олиш тўғрисида”-ги, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг “Вилоятда туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги ҳамда халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашидаги партия гуруҳи илгари сурган “Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла гузарларини ташкил этиш тўғрисида” каби қўллаб ташаббус-масала ана шулар жумласидандир.

Тахлиллар маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилган ташаббус-масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё,

✓ **ЎзМТДП Марказий кенгаши партия гуруҳлари фаолиятини мунтазам назорат қилиб бормоқда**

✓ **Жорий йилнинг 9 ойи давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 1616 депутатлик сўровини амалга оширди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 864 та кўп**

✓ **Партия гуруҳлари ва депутатлар ташаббуси билан 9 ой давомида 496 нафар мансабдор шахсининг ҳисоботи тингланди**

✓ **Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишларига 218 таклиф, сессиялар кун тартибига 37 ташаббус-масала киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди**

✓ **Халқ депутатлари Андижон, Тошкент, Хоразм вилоятлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари маҳаллий Кенгаш сессиясига бирорта ҳам ташаббус-масала олиб чиқмаган**

Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолиятида ижобий ўзгариш бўлаётганини кўрсатди.

Бироқ, маҳаллий Кенгашлардаги айрим партия гуруҳлари фаолияти бугун мамлакатимизда депутатларга, партия гуруҳларига қўйилаётган талаблар, берилган ваколатларга тўла жавоб бермаётгани ҳам сир эмас. Жумладан, халқ депутатлари Андижон, Тошкент, Хоразм вилоятлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари ўтган давр мобайнида бирорта ташаббус-масалани маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқмаган.

Айрим партия гуруҳлари фаолиятида кузатилган бу каби камчиликларни бартараф этиш, уларнинг электорат манфаатлари йўлидаги ташаббускорлигини кучайтириш, амалдаги қонунлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашдаги фаоллигини ошириш аҳоли фаровонлиги ва ҳудудлар раванқига муносиб ҳисса қўшади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, партия Марказий кенгаши ўтган чорақларда асосли равишда танқид қилган халқ депутатлари Жиззах, Наманган, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари III чорақда партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига масалалар олиб чиқишга эришдилар.

Мутасар айтганда, партия гуруҳлари фаоллиги партия дастурий мақсадларини самарали амалга оширишга, электорат манфаатларини ҳимоялашга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, бугунги сайловчини куруқ ваъдалар, ҳисоботлар билан ишонтириб бўлмайди. Сиёсий дунёқараши, тафаккури тобора юксалиб бораётган аҳоли халқ вакилларида аниқ ишлар, ташаббуслар кутади. Бу эса депутатлик мақомига сазовор ҳар қандай киши зиммасига улкан масъулият юклаши шубҳасиз. Модомики шундай экан, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларимиз, депутатларимиз вакилларидан сазоворлиқ билан фойдаланишлари, ўз фаолиятини янги босқичга кўтаришлари лозим бўлади.

Бехзод СОДИКОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши
Ижроия кўмитаси девони
бўлим бошлиғи

Семинар



Ишончли ҳамкорлик

тадбиркорлар ҳамда ёшларнинг ЎзМТДП ва тижорат банкларига бўлган хайрихоҳлигини оширмоқда

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда иқтисодий соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 56 фоизга етди. Иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Энг муҳими, мустақилликнинг ўтган йилларида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлашга қаратилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди. Бу, энг аввало, Конституциямизнинг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур конституцийий таъминот асосида қабул қилинган қонунлар замон талабларидан келиб чиқиб, изчил такомиллаштирилмоқда. Биргина 2012-2015 йилларда демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган 20 га яқин қонунлар қабул қилинганлигини таъкидлаш жоиз. Бир сўз билан айтганда, ўтган даврда яратилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор суруятлар билан ривожлантиришнинг муҳим омилга айланди.

Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тадбиркорлар ва ўз иштини эндиғина бошлаган ёшларга кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Фармонда хусусий мулк ва тадбиркорликини ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашш ва тўсиқчилик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш вазифаси юксалди. Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, уларга рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, мамлакатимиздаги бозор иқтисодиётини шакллантиришга оид бугунги кунгача тўпланган ижобий тажрибага асосланиб, халқаро амалиёт, иқтисодиёти ривожланган демократик давлатлар тажрибасига мос келадиган талабларга жавоб берадиган


қоидаларни тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш лозимлиги алоҳида вазифа сифатида белгиланди.

Мазкур фармонда белгиланган вазифаларни қонунчилик йўли билан ҳал этиш мақсадида яқинда парламентда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Президентимиз фармони ва ушбу қонун айнан миллий иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришни таъминлашга, тадбиркорлар фаолиятига янада эркинлик бериш орқали аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишга, энг муҳими, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга ҳамда аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган.

Қонун билан савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, савдо ва воситачилик

фаолияти билан қонунга хилоф равишда шугулланиш натижасида анча ёки кўп миқдорда зарар етказганлик учун белгиланган жиноий жавобгарлик чиқариб ташланди. Энди бундай ҳаракатлар жиноят эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида белгиланди. Бу эса ЎзМТДП сайловолди Платформасининг суд-ҳуқуқ соҳаларини янада демократлаштириш йўналишида белгиланган айрим жиноятларни декриминаллаштириш (қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш) сиёсатини



Мирзохид УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини янада ошириш, бу жараёнда давлат иштирокини камайтириш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида тадбиркорлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётир. Рақамларга эътибор қаратсак, жорий йилнинг биринчи ярмида 15,2 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларга 6,4 триллион сўм кредит ажратилгани ҳам фикримизга яққол далил бўла олади. Президентимизнинг шу йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган қонун соҳадаги ислохотларнинг амалиётга изчил татбиқ этилишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг тарзда ташкил этилган бугунги семинарда ушбу ҳуқуқий асослар мазмун-моҳияти кенг жамоатчилик, соҳа вакиллари ва тадбиркорлар иштирокида муҳокама қилинди. Бу эса партия сайловолди Платформасини амалга оширишда янги ғоя ва лойиҳаларнинг яратилишида муҳим аҳамиятга эга.

Элдор ТУЛЯКОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Истиклолнинг дастлабки қўнларидан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Бу борадаги ислохотлар ҳаётга татбиқий, босқичма-босқич татбиқ этилаётгани хусусий мулк ҳимоясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Давлатимиз раҳбари фармони асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун асосида қатор қонун ва кодексларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган юртимизда тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтиришга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш каби иқтисодий йўналишдаги мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади.

Отабек ЖИЯНБОВЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, тадбиркор:

— Тадбиркорлик ривожини йўлида яратилган кенг имтиёз ва преференциялар биз каби ишбилармонларга ўз бизнесини эркин олиб бориш, янги ишлаб чиқариш ҳамда хизматларни ўзлаштириш, иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Бугунги семинарда кизгин муҳокама қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати сифатида партия сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимизда оилавий тадбиркорлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш жараёнига ҳисса қўйишга ҳаракат қилияман. Бундан бир неча йил олдин ташкил этилган “Magnum medical servis” корхонасида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида иш олиб бораёғимиз. Президентимиз фармони эълон қилинганидан сўнг, 110 хилдаги тиббиёт асбоб-ускуналари, жиҳозлари ва тиббий аҳамиятга молик маиший хизмат кўрсатиш воситалари ишлаб чиқарилаётган корхонамизда фаолият олиб бораётган коллеж битирувчилари сонини икки баробарга кўпайтирдик. Бу эса иш унумдорлиги ва сифати ошишида муҳим аҳамият касб этаётир. Тадбиркорлик фаолиятимизда ЎзМТДПнинг лойиҳа ва амалий семинарлари айнаи мудиоо бўлмоқда.

Шоҳида ДАМАНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Кўмита эшитув

Соҳа тараққиётига доир дастурлар

депутатлар диққат марказида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси ййгилишида “Ўзтрансгаз” компанияси бошқаруви раисининг “Аҳолини табиий ва суолтирилган газ билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида”ги ахбороти эшитилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, “Ўзтрансгаз” компанияси тизимидаги корхона раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



раёнида кўмита аъзолари соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, тегишли статистик маълумотлар ҳамда чет эл тажрибасини атрафлича ўрганди. Шунингдек, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари мисолида аҳолини табиий ва суолтирилган газ билан таъминлаш борасидаги ишлар таҳлил қилинди, депутатлар аҳоли билан мулоқотда бўлиб, уларнинг тақлиф-мулохазаларини ўргандилар. Бу жараёнда соҳани янада ривожлантириш, аҳолини узлуксиз газ билан таъминлаш, магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларини техник жиҳатдан модернизация қилиш борасида муайян ишлар олиб борилгани кузатилди. Шу билан бирга, соҳада айрим камчилик ва муаммолар, тўловлар бўйича қарздорлик мавжудлиги ҳам аниқланди.

Инсон ҳаёти ва турмуш тарзи билан ҳамбанд бўлиб, кўпгина ишларни янада жадаллаштириш борасида фикр-мулохазаларини, тақлифларини билдирди. Сийёсий партиялар фракциялари аъзолари соҳа вакилларига ўз электорати ва сайловчилар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда долзарб аҳамиятга молик саволлар билан муножот қилдилар. Депутатлар аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида “Ўзтрансгаз” компанияси тизимида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни янада ривож-

лантириш, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида қандай ишлар олиб борилаётгани билан қизиқдилар. “Ўзтрансгаз” компанияси раиси қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида октябрь ойидан бошлаб суолтирилган газ миқдори икки баробарга оширилиши режалаштирилаётгани ва бу ҳудудлар бўйича тақсимлаб чиқилганини қайд этди.

Эшитишда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этди. Қайд этиш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш — партиянинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг бош мақсади сифатида белгиланган. Фракция аъзолари ушбу дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда сайловчилар билан учрашувлар чоғида газ таъминоти борасида кўтарилаётган масалаларни ўртага ташлади. Шунингдек, улар соҳани ривожлантиришда қаратилган ишларни янада юқори поғонага кўтариш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, компания тизимидаги ходимлар малакаси ва масъулиятини ошириш, газ тақсимлаш тизими устидан назоратни янада қучайтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз тақлиф-мулохазаларини баён этди.

Қизгин бахс-мунозара тарзида ўтган тадбир якунида қун тартибидидаги масалалар юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Азамат ПАРДАЕВ,

Олий Мажлис қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Иқтисодиётимизнинг жадал ривожланаётгани газ транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, газ қувурлари тизимидан фойдаланиш самарадорлигини оширган ҳолда, ички ва ташқи истеъмолчиларни газ билан таъминлашни тақозо этмоқда. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси зиммасига юклатилган. Қонунчилик палатасининг регламентида мувофиқ, ноябрда сайловчилар билан навбатдаги учрашувларни ўтказамиз. Мазкур учрашувларда аҳоли турмуш тарзида муҳим ўрин тутувчи газ таъминоти билан боғлиқ муножотлар ҳам бўлиши табиий. Бугунги эшитув давомидида соҳада олиб борилаётган ишлардан батафсил хабардор бўлганимиз учрашувлар чоғида бизга қўл келади. Бундан ташқари, “Ўзтрансгаз” компанияси газ таъминоти бўйича ҳар бир ҳудуд кесимидидаги маълумотлар тўпلامини тайёрлаб беришини маълум қилди. Бу биз депутатлар учун сайловчиларга, электротизимиз вакилларига ҳудудларни табиий ва суолтирилган газ билан таъминлаш бўйича янада аниқ ва тўлиқ маълумот бера олиш имконини яратди.

Мухтарам РАМАЗОНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Комиссия ййгилиши

Мамлакатимизда сўнги йилларда оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилини, ахборотдан фойдаланиш эркинлиги кафолатлари таъминланди, журналист касбий фаолияти муҳофазасига оид яхлит тизим асослари шакллантирилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлисида шу хусусда сўз борди.

Ййгилишда Парламент комиссияси аъзолари — Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2014 йил учун 410 миллион сўм давлат субсидияси, 260 миллион давлат ижтимоий буюртмаси ҳамда 2015 йил учун 480 миллион давлат субсидияси ва 70 миллион ижтимоий буюртмаси йўналтирилгани таъкидланиб, Фонднинг ушбу маблағлар доирасидаги фаолияти хусусида ҳисоботи тингланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1 минг 400 га яқин босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат кўмаги давлат рўйхатида олиш, солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш, имтиёзли молиявий кредитлар, солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича турли имтиёз ва афзалликларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, давлат грантлари, субсидиялари

Оммавий ахборот воситалари фаолияти

қўллаб-қувватланмоқда

ва ижтимоий буюртмалари шаклида мустақил ОАВнинг лойиҳалари, дастурлари ҳам давлат кўмаги тақдим этилади.

Ахборот соҳаси мамлакат парламентининг мунтазам диққат марказида эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қонунчилик палатаси ҳар йили амалдаги қонунларга риоя қилиш бўйича парламент мониторингини, анжуман ва семинарлар ўтказди. Бундан ташқари, ОАВ иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳалар ва дастурлар қўллаб-қувватлашга оид ташкилий-ҳуқуқий комплекс чораларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бу жараёнда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди асосий ўрин тутди. Фонд мустақил босма ОАВ, ахборот агентликлари ва Интернет нашрлар фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгиллаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, қучли фуқаролик жамиятини қуришда ОАВ роли ва аҳамиятини қучайтиришга қаратилган аниқ ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2014 ва 2015 йилнинг 9 ойи давомидида мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари раҳбарлари учун 226 семинар-тренинг, дара суҳбати, учрашув ва танловлар ўтказди. Уларда 7 мингга яқин киши иштирок этди. Республикаимизнинг барча ҳудудидида “Соғлом бола йили”, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурларини амалга оширишда ОАВнинг ролини қучайтиришга қаратилган

150 га яқин тадбир ўтказилди. Эътиборлиси, унда уч ярим мингдан зиёд журналист, ННТ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг вакиллари қамраб олинди.

Мамлакатда мустақил, замонавий демократик талаб ва стандартларга жавоб берадиган босма ва Интернет нашрлари шакллантириш жараёнини рағбатлантириш, кадрларнинг касб малакасини ошириш, иқтисослашувини таъминлаш, тахрирларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга оид бир қатор лойиҳа ва дастурлар ҳаётга муваффақиятли жорий этилмоқда. Малака ошириш бўйича ўтказилган 40 га яқин тадбирда 2 минг 300 дан зиёд журналист иштирок этди.

Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, янгилликлар, ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳисобот даврида 12 мингдан ортиқ янгиллик ва ахборот-таҳлилий материаллар тайёрланиб, Интернет тармоғига joyлаштирилди.

Фонд Ўзбекистонда аккредитация қилинган ЮНИСЕФ, ЕХТХ каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Ўзаро ҳамкорликда “Жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг ОАВ билан ҳамкорлик қилиш бўйича салоҳиятини такомиллаштириш”, “Соғлом бола йили” ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 25 йиллиги муносабати билан бола ҳуқуқлари муҳофазасига боғлиқ масалаларни ёритишда ОАВ салоҳиятини қучайтириш” каби лойиҳалар самарали амалга оширилмоқда.

Ййгилишда фонд фаолиятига доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Умида УЗОКОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Матбуот анжумани

Аҳоли саломатлиги ва осойишталиги

доимий эътиборда

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит тозаллигини сақлаш, соғлом ва узоқ умр кечирish учун қулай шарт-шароитлар яратishга қаратилган қатор қонун ва қонунности ҳужжатлар қабул қилинган. Улар орасида шу йил 27 августдан қучга қирган “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ўз мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра ғоят муҳим ўрин тутаси. Мазкур қонун воситасида профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими, ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг қонунчилик тизими, тўпланган тажриба ва устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжуманида бу ҳақда атрофлича сўз юритилди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий таълим, Халқ таълими, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон экологик ҳаракати, “Қамолот” ЕИХ, Ўзбекистон қасаба уюмлари федерацияси кенгаши ва республика Давлат санитария-эпидемиологик хизмати вакиллари иштирок этди.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар самарасида соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бораётир. Бугунги кунда мамлакатимиз-

даги 200 дан зиёд давлат санитария-эпидемиологик марказлари зарур барча тиббий асбоб-анжон ва воситалар билан таъминланган. Жаҳонда юзага келаётган глобал тиббий-ижтимоий муаммоларга қарамай, юрти-мизда турли юкумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорлик таъминланиб, карантин ва ўта хавфли вирусларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олди олинаётир. Эмлаш ишларини режа асосида ташкил этишнинг замонавий инфратузилмаси яратилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида авваллари болалар саломатлигига жиддий таҳдид солган қизамиқ, қизилча, дифтерия (бўғма), паротит каби юкумли касалликлар сезиларли даражада камайитирилди, кўкйўтал, полиомиелит юкумли касалликлари буткул бартараф қилинди.

Соҳада 1992 йилдан буён “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги қонун амалда қўлланиб келинаётганига қарамай, глобаллашув жараёнлари, халқаро ҳамкорлик ва алоқалар, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш мазкур йўналишдаги қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг тақозо этаётган эди. Бу борада “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши соҳани янада равақ топтириш, олиб борилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлашга хизмат қилади. Қонун 6 боб, 42 моддадан иборат. Унда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, касалликлар профилактикаси, аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этиш, мақтабга, умумий, ўрта махсус, касб-ҳўнара таълими босқичларида болаларни санитария ва гигиена асослари бўйича ўқитишга доир тегишли чора-тадбирларнинг жорий қилишга қаратилган меъёрлар акс этган.

Эътиборлиси, янги қонунда аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш жараёнида нафақат давлат ҳокимияти органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам бевосита иштирок этаётганлиги боис уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгиланб қўйилди. Шунингдек, фуқаролар қонун ҳужжатлари бузилиши оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳуқуқидан фойдаланишлари, уларнинг аҳоли санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши, бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳити билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги алоҳида нормаларда мустаҳкамланди.

Янги қонун соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа тузилмаларнинг ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириш, уларнинг бу соҳадаги фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам қўрсатишни таъминлаш саъй-ҳаракатларини юқори поғонага кўтарди. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши кураш тадбирларини амалга оширишга қўмаклашиш борасидаги масъулиятини янада қучайтиради.

Тадбирда мамлакатимизда санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари ва бажарилаётган чора-тадбирлар юзасидан маърузалар тингланди. Янги қонунда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ вазифалар белгиланб олинди.

Умида ЭРГАШЛИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Тиббий хизмат

Эл соғлиги — юрт бойлиги

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида тиббий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биргина 2014 йилда мамлакатимиздаги 133 тиббиёт муассасаси янгидан қурилиб, реконструкция қилинган, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилгани ҳам бунга далил. 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасида Давлат дастури бу борадаги ишлар кўлами ва қамровини кенгайтirmoқда.

Эл саломатлиги муҳофазаси йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасини Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаси фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда поликлиника тасаруфидида травматология, рентген ва флюорография, акушер-гинекология бўлимлари, репродуктив саломатлик маркази, клиник-лаборатория, вилоят сурдология хоналари мавжуд. Сўнгги русумдаги ультратовуш аппарати, компьютерли ЭХО,

электроэнцефалография, ошқозон-ичак тизимини текширувчи эндоскоплар, компьютер томографияси хоналари ишлаб турибди. Уларда аҳолига сифатли, тезкор тиббий хизмат қўрсатилмоқда. 350 нафар шифокор ва яна шунча ўрта тиббиёт ходимлари халқ саломатлиги йўлида қамраб олинди.

Соҳага энг замонавий тиббиёт ускуналари, технологиялари ва усуллари кенг жорий қилинаётир. Ўтган йили муассасага замонавий ЭКГ асбоби ускуналари ўрнатилди. Бу билан ташхис қўйиш ва даволаш жараёни сифати ва самарадорлиги янада ошди.

Муассасада беморни пухта текшириш имконияти мавжуд. Экспресс лабораторияда қисқа муддатда қон таҳлили аниқланди. Бу, ўз навбатида, беморни аниқ ташхис асосида тўғри даволаш имконини бермоқда.

Яқин қунларда поликлиника тубдан таъмирланган бинога кўчиб ўтади. Умумий қиймати 936,7 миллион сўмдан зиёд мазкур бинони “Толиб-

бобо” корхонаси қурувчилари қисқа муддатда, сифатли қуриб, фойдаланишга топширди. Янги бино барча қулайликка эга бўлиб, натижада аҳолига малакали тиббий хизмат қўрсатиш имкониятлари янада кенгайди.

— Хонадонларда тиббий профилактика ишларини амалга ошириш, ҳар бир оилани муҳитини ўрганиш мақсадида маҳаллалар ва ўқув муассасаларида аҳоли билан тез-тез учрашувлар ўтказилмоқда, — дейди бош шифокор Дилфуза Қамолова. — “Соғлом она — соғлом бола”, “Соғлом оила — соғлом авлод” шiori остида ёшларни оилага тайёрлаш тартиб-тамоийли асосида янги турмуш қураётган йигит-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида нурунийларнинг соғлом ва мазмунли умр кечирishлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш масаласи диққат эътиборимиз марказида.

Бир сўз билан айтганда, юрти-мизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида мазкур шифо масканида ҳам аҳолига юқори даражада тиббий хизмат қўрсатиш келинаётир.

Ориф ХОЛИКУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Ирландия парламенти

икки палатали бўлиб, Вакиллар палатаси Сенатга нисбатан кўпроқ ваколатга эга



Ирландия Республикаси — Ғарбий Европада, Ирландия оролида жойлашган давлат. Майдони 70,3 минг квадрат километр. Аҳолиси 4 миллион 593 минг киши. Маъмурий жиҳатдан 26 графликка бўлинади. Улар асосида 4 тарихий вилоят — Коннахт, Ленстер, Манстер, Ольстер ташкил этилган. Давлат тили — ирланд. Пойтахти — Дублин шаҳри. Конституцияси 1937 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган бўлиб, унга 1972 ва 1999 йилларда ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Давлат бошлиғи — Президент.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий парламент амалга оширади. У икки палата — Вакиллар палатаси (Доил Эрен) ҳамда Сенат (Сенад Эрен)дан иборат. Парламент йилга камида бир марта сессия ўтказиши мумкин. Ҳар бир палата аъзолари таркибининг учдан икки қисми розилиғи билан ёпиқ мажлислар ўтказилиши мумкин. Ҳар бир палата аъзолари орасидан ўз раиси ва ўринбосарларини сайлайди, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини белгилайди. Парламент палаталари ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар ҳамда регламентини мустақил белгилайди. Парламент аъзолари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Улар у ёки бу палатанинг қарорисиз суд ва бошқа ваколатли органлар томонидан жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Палаталардан бирининг аъзоси бўлган шахс бошқа палатада фаолият юритишни бошласа, унинг аввалги ўрни вақан ҳолида сақланиб қолинади. Бир шахс бир пайтнинг ўзида иккала палатанинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Парламент палаталарининг ваколат муддати — 7 йил.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига — қонунларни қабул қилиш, Олий суд раиси, бош инспектор ва аудиторни лавозимидан озод этиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳамда меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш қиради. Қолаверса, Вакиллар палатаси ҳамда Сенат спикери бир пайтнинг ўзида Давлат кенгашининг аъзолари ҳисобланиб, улар биргаликда

у ёки бу масалада Президентга маслаҳатчи саналади.

Йигирма бир ёшга тўлган, Конституция ва қонунга мувофиқ ҳуқуқий ва муомалага лаёқатсиз деб топилмаган мамлакат фуқароси Вакиллар палатасига сайланиши мумкин. Вакиллар палатаси қабул қилган ҳар қандай қонун лойиҳаси Сенатга юборилади. Вакиллар палатаси эса Сенат киритган ҳар бир тузатишни кўриб чиқиши лозим. Молия соҳасига оид қонун лойиҳалари фақат Вакиллар палатаси ташаббуси билан илгари сурилиши мумкин. Вакиллар палатаси қабул қилган молия соҳасига оид ҳар бир қонун лойиҳаси юқори палатанинг тақлифини билиш учун Сенатга юборилади. Борди-ю мазкур йўналишдаги қонун лойиҳасини Сенат йигирма бир кун ичида қўйи палатага қайтармаса ёки юқори палатанинг тақлифини қўйи палата рад этса, қонун қабул қилинган деб ҳисобланади. Доил Эреннинг 166 нафар депутати умумхалқ сайлови асосида сайланади. Сайловга қадар 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда Шон Барретт Вакиллар палатаси спикери сифатида фаолият олиб бормоқда.

Юқори палатада 60 сенатор фаолият олиб боради. Улардан 11 нафарини Президент тайинласа, 49 нафари сайланади. Жумладан, 3 сенатор Дублин университетининг камида ўн ўқитувчиси илгари сурган номзодлар орасидан сайланади. Яна уч сенаторни Ирландия миллий университети ўқитувчилари жамоаси сайлайди. Сенатнинг 43 вакилини турли ташкилот ва бир-



лашмалар илгари сурган номзодлар орасидан билвосита сайлов тизими асосида 900 кишидан иборат сайловчилар коллегияси — Вакиллар палатаси, графлик кенгаши аъзолари сайлайди. Доил Эренда сайлов ўтказилганидан сўнг 30 кун ичида Сенад Эденга сайловлар ўтказилиши шарт. 21 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сенатор этиб сайланиши мумкин. Бугунги кунда "Фине Гэл" партияси вакили Пэдди Берк Сенат спикери сифатида фаолият олиб бормоқда.

Сенат Вакиллар палатасига қараганда камроқ ваколатларга эга бўлиб, Вакиллар палатаси қабул қилган қонун лойиҳасини рад этиш ваколатига эга эмас. Қолаверса, юқори палата солиқ солиш, бюджет ва давлат сарф-харажатларига дахлдор қонун лойиҳаларини мустақил қабул қила олмайди. Сенат қўйи палата маъқуллаган қонун лойиҳаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритади. Ўз навбатида Вакиллар палатаси бундай тузатишларни инобатга олмаслиги мумкин. Қўйи палата бундай ўзгаришларни қисман маъқуллаши ёки умуман маъқулламасликка ҳақли. Фақат молиявий йўналишга эга бўлмаган қонун лойиҳаси Сенат ташаббуси билан қабул қилиниши ва Вакиллар палатасига юборилиши мумкин. Сенат ташаббуси билан қабул қилинган, бироқ Вакиллар палатасида ўзгариш ва қўшимча-

лар киритилган қонун лойиҳаси қўйи палата томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади. Шу билан бирга, бир палата қабул қилиб, иккинчи палата тасдиқлаган қонун лойиҳасини икки палата қабул қилган деб ҳисобланади.

Парламент қабул қилган қонун лойиҳаси Президент кўриб чиқиши ва имзолаши учун юборилади. Қонун лойиҳасини Президент имзолаган кундан бошлаб қўйи кирган деб ҳисобланади. Президент молия йўналишидаги ҳамда Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳаларидан ташқари бошқа барча парламент тақдим этган қонун лойиҳаларини давлат Конституцияси ёки унинг бирор-бир меъёрига зид келмаслигига ойдинлик киритиш мақсадида Давлат кенгаши билан маслаҳатлашувлардан сўнг, уни кўриб чиқиш учун Олий судга тақдим этиши мумкин. Мазкур қонун лойиҳалари Президентга тақдим этилганидан етти кун кечиктирилмаган ҳолда Олий судга тақдим этилиши лозим. Мазкур ҳолатда Олий суд қарори эълон қилинмай туриб, Президент қонун лойиҳасини имзолаши мумкин эмас. Олий суд беш кишидан кам бўлмаган таркибда Президент тақдим этган саволларни кўриб чиқади ва олтмиш кундан кечиктирмай ўз қарорини очик суд мажлисида қабул қилиши лозим. Агар Олий суд қонун лойиҳасини Конституция ёки унинг бирор-бир нормасига зид деб топса, у ҳолда қонун лойиҳаси Президент томонидан имзоланиши мумкин эмас.

Парламент Дублин шаҳридаги Линстер-хаус саройида жойлашган бўлиб, Ирландияда сўнгги марта парламент сайлови 2011 йилнинг 27 апрелида ўтказилган. Бугунги кунда парламентда энг кўп ўрин "Фине Гэл" партиясига тегишли бўлиб, қўйи палатада унинг 76 вакили фаолият олиб боради. Шунингдек, парламентда Лейбористлар, "Фианна Файл", Мустақил депутатлар, "Шинн Фейн" каби партияларнинг ҳам мавқеи анча юқори. Палаталар ҳамда парламент қўмиталари мажлислари мунтазам трансляция қилинади. Ирландиянинг "Radio Telefís Éireann" миллий телеканали парламент фаолияти билан боғлиқ жараёнларни мунтазам ёритиб боради.

Ўзбекистон ва Ирландия Республикалари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ ривожлана бошлади. Ўзбекистон Ирландияга асосан, пахта толаси ва бир оз миқдорда маъданли ўғит экспорт қилади. Ирландиядан дон, ўсимлик ёғи, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, дори-дармон, кийим-кечак, органик қимёвий бирикмалар, электр жиҳозлар сотиб олади. Ўзбекистонда ирландиялик сармоядорлар иштирокидаги 9 корхона фаолият кўрсатади. Шундан 7 таси қўшма корхона ва 2 таси ирланд сармояси 100 фоиз бўлган корхонадир. Ирландиянинг рангли металлургия корхоналари учун хом ашё савдоси, юксак технологияли товарлар ишлаб чиқарувчи "Херкос Лимитед" ҳамда пахта савдоси билан шуғулланадиган "Ай-Си-Ти Интернэшнл Коттон энд Текстилл Трейдинг Ко Лтд" номи икки фирманинг ваколатхоналари мавжуд.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Нобель — 2015: барча совриндор маълум

12 октябрь куни иқтисод бўйича Нобель мукофоти буюк британиялик Энгус Дитонга топширилди. У "истеъмол, қашшоқлик ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги муаммолар таҳлили" учун мазкур мукофотга лойиқ кўрилди.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йилнинг тиббиёт бўйича Нобель мукофоти паразит кўртлар чақирадиган инфекцияларга қарши тура оладиган малҳам яратган тадқиқотчилар — америкалик Уильям Кэмпбелл ва япониялик Сатоши Омурага, безгак касалини даволашда самарали таъсир этувчи янги дори воситаси — артемизинини яратгани учун хитойлик Юю Туга берилди. Физика бўйича Нобель мукофоти эса "нейтрино ўз ҳолатини ўзгариши мумкинлигини кўрсатадиган тажрибаларга қўшган ҳиссаси учун" япониялик Такааки Кажита ҳамда канадалик олим Артур Макдональдга насиб этди. Адабиёт йўналишида Нобель мукофоти таниқли беларус ёзувчиси Светлана Алексиевичга, тинчлик учун мукофоти Тунис миллий диалоги вакилларига насиб этди.



Чилининг илк электравтомобили

Чилида ишлаб чиқарилган "Соки" электравтомобили Сантьяго кўчаларида синовдан ўтказилди.

Электравтомобиль хайдовчи ва бир йўловчига мўлжалланган. Аккумуляторни бир марта тўлиқ қувватлантириш орқали унда тўхтовсиз уч соат ҳаракатланиши мумкин. Мазкур автомобиль кулай ва камхарж бўлиб, атроф-муҳитга кам зарар етказиши. "Соки" автомобилни кейинги йилнинг март ойидан бошлаб ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Мазкур лойиҳани қайта ишлаш ҳамда амалга оширишда Чилининг "CORFO" ҳукумат ташкилоти ҳам ақидан қўмақлаштириш назарда тутилган. Яқин йиллар ичида мазкур автомобиль Чилининг 11 шаҳри ҳамда унга қизқиш билдирган қитъанинг бошқа давлатлари кўчаларида пайдо бўлиши кутилмоқда.



Энг "мураккаб" соат

Швейцариянинг "Vacheron Constantin" компанияси дунёдаги энг мураккаб механизмга эга соат яратди.


Мазкур соат 57 қийин вазифани бажара олиши, брендининг 260 йиллиғи арафасида тайёрлангани учун ишланма "Reference 57260", деб номланди. Соат 2826 деталдан иборат. Уларнинг 2601 таси доимий ҳаракатда. У шахсий коллекция учун буютма асосида тайёрланган. Механизмнинг мураккаблиги буюртма хусусияти билан боғлиқ: коллекционер соат кечки 10 дан эрталабки 8 гача умуман овоз чиқармаслигини сўраган. Сиферблатда эса кун ва тун индекторлари, осмон диаграммалари, тақвим ва бошқа кўрсаткичлар бўлиши керак эди. "Vacheron Constantin" усталарининг айтишича, уларнинг маҳсулотини 33 вазифани бажарган 1989 йилги "Patek Philippe" соатининг рекордини янгилаган. Корпуси 18 пробали тилладан тайёрланган соат 10 миллион долларга баҳоланмоқда.



Рангин дунё

1912 йилнинг 10 апрелида "Саутгемптон — Нью-Йорк" йўналиши бўйлаб илк марта сафарга отланган Буюк Британияга тегишли "Титаник" йўловчи кемаси Ньюфаундленд оролига яқинлашганида тўсатдан Атлантика океанидаги йирик айсберг билан тўқнашиб кетади. Қаттиқ зарбадан жиддий талафот кўрган кеманинг ичи суғза тўлиб, кўп ўтмай океанга ғарқ бўлади. Ушанда кема бортида бўлган 2 минг 208 йўловчининг аксарияти ҳалок бўлган. Бугун ўтмишнинг энг йирик йўловчи лайнерининг ҳалокатига учраганига бир асрдан ортиқроқ вақт ўтди. Бироқ ўтган юзйилликнинг машҳур фожиасини дунё аҳли ҳали-ҳануз унутгани йўқ.

Кема кўринишидаги музей



Бугунги кунда АҚШнинг Миссури штатидаги Брэнсон шаҳарчасида мазкур кема ва унинг бортида бўлган инсонлар хотирасига атаб қурилган музей фаолият юритади. Бу ташаббусни деярли бутун умрини мазкур кеманинг тарихи ва фожиали қисмати йўналишга бағишлаган Жон Жослин илгари сурди. 1987 йилда, яъни "Титаник"нинг ҳалокатга учраган ўрни топилганидан икки йил

ўтиб, унинг раҳбарлигидаги экспедиция кема чўккан ерда сув ости тадқиқотлари олиб борди. Бу орада тадқиқот гуруҳининг фаолиятини ёритувчи ҳужжатли фильм яратилди. Орадан йигирма йил ўтиб, шахсан Жослиннинг ўзи "The Titanic Museum Attraction" музейининг қурилишига бош-қош бўлди. У айни пайтда мазкур музейга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Музей "Титаник" кемасининг реал чизма ва фотосуратлари асосида унга ўхшатиб қурилган. Иншоотнинг баландлиги қарийб "Титаник"ники билан барабар. Музей жойлашган ерда сунъий ҳавза ташкил этилган бўлиб, бу Атлантика океани муҳитини тасаввур қилиш имконини беради. Композицияни ён томондан кема тўқнашган айсбергнинг рамзий маънода-

ги сунъий макети тўлдириб туради. Музейга мазкур сунъий муз қопламаси орқали кирилади. Сайёҳлар музей ичкарисида асосий зал, кема каютаси, тамаддихона ва бошқа хоналарни томоша қилиш имкониятига эга. Музейдан ўрин олган антиқа буюмлар, ҳаяжонли ин-терактив кўргазмалар бу ерга ташриф буюрувчини беихтиёр кеманинг илк ва сўнгги сафа-

рига отланган кишилардек ҳис этишига ёрдам беради. Музейда "Титаник" ғарқ бўлган кунда унинг ичида бўлган 400 дан зиёд экспонатларнинг нусхаси жойлаштирилган. Бир аср олдин ишланган буюмларни ёдга солуви бундай экспонатлар "Титаник" муҳитини янада ёрқин ҳис этишга замин яратади. Музей ичкарисида кема хизматчилари родини ижро этувчи актёрлар мазкур манзарани янада бойитиши.

Музейда ҳаёт қайнади: палуба бўйлаб хизмат либосидаги ходимларга тез-тез дуч келасиз. Омадингиз чопса, кема бошқарувчисини ҳам учратиш қийин эмас. Музейнинг ҳар бир ерида ахён-ахёнда кулогингизга кема кўнгириги ҳамда мавж ураётган денгиз тўлкинининг овози чалиниб туради. Бу ерда ҳамма нарсаси "Титаник" муҳитидан келиб чиқиб ташкиллаштирилган. Даставвал музейга қираверибда меҳмонларга "Титаник"нинг илк ва сўнгги сафари чоғида унинг бортида бўлган одамлардан бирининг исм-шарифига расмийлаштирилган чипта тақдим этилади. Музейни томоша қила туриб киши беихтиёр ҳақиқий чипта эгаси тақдири ҳақида ўйлай

бошлайди, ҳатто, нимадир сизга ўша инсонни эслатиб туради. Дейлик, унга тегишли бирор-бир буюм ёки кийим-кечак. Ўша машҳур кечада кемада бўлган чипта эгасининг омон қолгани ёки қолмагани ҳақида эса фақат сайёҳат сўнгиди воқиф бўлиш мумкин. Сабаби музей залларидан бирининг деворида ўрнатилган ёдгорликда кема бортида бўлган 2 минг 208 йўловчининг барчаси ҳақида маълумот акс этган.

Музейнинг энг диққатга сазовор экспонати — бу "Титаник"нинг ҳашамдор зинаси. У аслиятдан нусха олиб ишланган. Мазкур зина учун қарийб бир миллион доллар сарфланган. Ичкарида палубанинг макети жойлаштирилган бўлиб, унга кўтарилиб, қўтқарув қайиқчасига чиқиш мумкин. Бу ерда 1912 йилнинг апрелида Атлантика океанида қулатилган сувнинг ҳарорати билан бир хил бўлган сув солини-

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ГАФФОРОВ тайёрлади.

Ёғочга жило бериб...

ёхуд Хоразм ёғоч ўймакорлик мактабининг “устоз-шогирд” аънавалари хусусида



У.А. сурати.

Хоразм қадимдан ўзининг бой маданий мероси, аънавалари, санъати ва миллий хунармандчилиги билан донг таратган. Хоразмлик уста-хунармандлар ижоди маҳсули бўлган маданий мерос намуналари ҳали-ҳануз кенг жамоатчилишни ўзига мафтун этиб келмоқда. Айниқса, халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати алоҳида ажралиб туради.

Воҳада азалдан хунармандчилик, илм-фан, санъат гуркираб ривожланган. Янги-янги саройлар, уй-жойлар, мадраса, масжидлар қурилган. Табиийки, бинонинг мустаҳкамлиги ҳамда чиройли кўринишга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис ёғоч ўймакорлик санъати бу ерда анча кенг тараққий этган. Хоразмлик усталар ясаган нақшдор устунлар, дарвозалар, эшиклар неча асрки, кишиларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда хунармандчиликнинг бу тури янада кенг қулоч ёйди.

УСТА ОТАНИНГ “ТУРУНЖ” НАҚШЛАРИ

“Яхшилар билан ҳамсухбат бўлиш ва донолар билан мулоқот қилиш саодатга элтади. Кимки бахт-икболли, солиҳ кишиларнинг этагини тутса, у албатта муродига эришиб, хайру борака топади”.

Улуг аллома Абулқосим аз-Замашарийнинг бу ҳикмати Хива шаҳридаги Ичан қалъа устунларидан бирига нақш этилган. Бу каби битиклар Хива шаҳри ёдгорликларидagi ўйма нақшли эшик, дарвоза, ўра (устун) ва ўра тош (устун таги)да кўплаб учрайди. Улар бир-биридан нақш билангина эмас, ишланган йили ва устанинг номи, ҳадислар ҳамда алломаларнинг ибратли сўзлари билан фарқ қилади.

Таъкидлаш жоизки, қадимдан Хоразмда ҳар бир уста ёғоч ўймакорлигининг маълум бир соҳаси бўйича ижод қилган. Кўпинча ўймакор устун, айрим вақтлардагина кўштабақали эшиклар ясаган. Наққош усталар бир пайтнинг ўзида ўймакор устунлар учун тут ва гужум дарахтларидан устун тагликлар ясаш, қошинпазлик, наққошлик билан шуғулланган. Ёғоч ўймакор усталарнинг наққошлар билан ҳамкорликда такорланмас санъат асарлари яратилган.

Хоразм ёғоч ўймакорлиги мактаби тараққиётида таникли уста, мохир хунарманд Ота Полвоновнинг алоҳида ўрни бор.

Ота Полвонов 1867 йилда хивалик ёғоч ўймакор уста оиласида дунёга келди. У болалик даврлариданоқ ёғоч ўймакорлиги санъатига меҳр қўйди ва дастлабки сабоқни бобоси уста Абдусаттордан олди. Кейинчалик отаси уста Полвондан санъат сирларини ўрганди. Хивадagi кўплаб биналарнинг дарвоза, эшик ва устунларини безашда қатнашди. Ўтган асрнинг 30-йилларида наққош Абдулло Болтаев тайёрлаган ускуна ёрдамида устун ва эшикларни қайта таъмирлади. Арқдан ташқари Тошхонли, Нуриллабой саройи ва бошқа қадимий биналарни қайта реконструкция қилиш ишларида иштирок этди. 1937 йилда Парижда бўлиб ўтган санъат кўргазмасида Ота Полвоновнинг А.Болтаев тайёрлаган нақш андозаси асосида ўта нафис, юксак маҳорат ва дид билан ишланган ўйма устун юксак баҳоланди. 1940-1947 йилларда бунёд этилган Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет театри биносининг Хива зали эшикларини, Бадиий кўргазмалар дирекцияси учун эшик ва устунларни ёғоч ўймакорлигининг жозибадор, гўзал нақш нигорлари билан безади.



ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ САБОҒИ

Уста Ота умрининг охиригача ёғоч ўймакорлигининг Хива мактаби ривожига бекиёс ҳисса қўшди. У безаган осору атиқа нафислиги, ўзига хослиги ва гўзаллиги билан ажралиб турди. Ижодий фаолияти давомида уста “беш қиррали”, “турунж”, “кўштанол” нақшлар ва айланма кечкиз нақшлар устида иш олиб борган. Уста бу нақшларни ўз жойида, ўз вақтида қўллаб олгани учун ҳам беназир саналган.

Ота Полвонов ўзи эгаллаган санъат сир-асорини ёшларга ўргатди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Унинг авлодлари, шогирдлари Хоразм ёғоч ўймакорлигининг муносиб давомчиларидир. Хивалик таникли ёғоч ўймакор Сафо Боғбеков ҳам уста Отадан бу хунар сирларини ўрганди. У “Хоразм Палас” меҳмонхонасининг тантаналар зали учун иккита девор устунини аънавий ўйма нақш санъати билан безади. Кўплаб жа-

моат ва турар жой биналари учун ўйма эшиклар, устун, панжара, дарвоза, лавҳ, хонтахта, курси ва бошқа бир қатор буюмлар тайёрлади. Хива шаҳридаги кўплаб меъморий обидаларни қайта таъмирлаш ишларида иштирок этди. Ўз навбатида, яна кўплаб ёшларни ўз ортидан эргаштирди, хунарли бўлишига ҳисса қўшди.

Сафо устанинг фарзанди Хайитмат Боғбеков ота-боболари касбини давом эттириб, қўли гул уста, ёғоч ўймакор наққошлар сулоласининг вакили сифатида маълум ва машҳур. У бобоси ва отасидан ёғоч ўймакорлиги хунари сирларини кўнгил билан ўрганди. Хайитмат ака, айниқса, мустақиллик йилларида наққошлик, ёғоч ўймакорлик, дурадгорлик, ва хаттотлик санъатини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Уста нафақат меъморий ёдгорликлардаги ёғоч ўймакорлиги намуналарини, балки замонавий биналарни шарқона услубда ўйма нақшлар билан безаш ишига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Х.Боғбеков Туркменистон Республикасида маданият саройлари эшикларига, Юрмала шаҳридаги “Ўзбекистон” ресторанига ўзбек миллий нақшларидан безалган ишлаган. Тошкент шаҳридаги “Хотира” майдонида миллий аънавалар услубида қурилган айвонларда ҳам унинг ижодида мансуб устунлар бор. Аънавий ўсимликсимон ва тарихий нақшлар туширилган шарқона услубда ишланган бу устунлар ҳибонга ўзгача фойда бағишлаб турибди.

Х.Боғбеков 2001 йилда “Ўзбекистон халқ устаси” унвонига, 2010 йилда эса “Эл-юрт хурмати” орденига сазовор бўлди. Уста бугун ҳам ота-боболари ишини давом эттиришдан, истеъдодли шогирдлар тарбиялашдан чарчамайпти.

ШОГИРДСИЗ УСТА — МЕВАСИЗ ДАРАХТ

Миллий меъморчилигимизнинг ёғоч ўймакорлиги тури қадимдан биналаримизнинг кўрқига-кўрк қўшиб келмоқда. Олдий ёғочдан устанинг тинимсиз меҳнати, қалб кўри билан яралган нақшлар чинакам санъат асарига айланади. Ана шундай усталардан бири — хоразмлик Одамбой Маширипов. У 12 ёшида Сафо Боғбековга шогирд тушиб, хунар сирларини кўнгил билан ўрганди, соҳанинг етук устасига айланди.

— Хоразм ёғоч ўймакорлиги мактаби, энг аввало, нақшларининг майдалиги ва сероблиги исмилий гириҳларининг кўпчилиги билан фарқ қилади, — дейди Одамбой уста. — Хивалик ёғоч ўймакорлар, асосан, гужум (қайрағочлар оиласига мансуб дарахт), қарамон, терак ёғочларини кўпроқ ишлатади. Йирки, тик ўсган, қуриган ёғоч олдин 3-6 ой сувга солиб қўйилиб, кейин хашак тагида соя жойда қурилади. Унга табиийлигини сақлаш учун зигир ёғ, оқ ёғ (доғланмаган пахта ёғи) билан ишлов берилганидан сўнг нақш ўйилган. Хива нақшлари гўзаллиги, турли

чуқурликда ўйилиши билан ажралиб туради. Ёғочнинг табиийлигини сақлаш, узоқ муддатга чидамли ҳамда фусункор бўлиб туриши учун унга ҳеч қандай бўёқ ишлатилмайди. Биз тайёрлаган буюмлар бошқа мактабларникидан тубдан фарқ қилади. Чунки биз нақшнинг энг кичик қисмларига ҳам ниҳоятда нозик қилиб ишлов берамиз. Хива нақшлари мадҳул, олмагаул, битав нақш, айланма нақш, арқон, тирноқ каби юздан зиёд турга эга. Ўнг чиройли нақш икки, баъзан уч қатлам қилиб тайёрланади. Хива усталари ҳеч қачон бир нақшни иккинчи марта такорламаган ва бошқа устадан нусха олмаган. Шунинг учун ҳам ишлари ниҳоятда чиройли чиққан, ҳар бир ўйма нақш замирида рамзий маъно яшириган бўлади.

Хоразмлик усталар дарахтларни навиға қараб, уч йилдан етти йилгача сомонга кўмиб қуритган. Ёғоч материаллари табиий гулгига, рангига, товланишига, ҳидига қараб танланган. Улардан энг яхшиси — гужум, қайрағоч, тут, қўқ терак, ўрик, нок, қарамон каби маҳаллий дарахтлардир. Кўп ҳолларда ўймакор усталар нақш улгисини наққошлардан олган, айрим ҳолларда эса устанинг ўзи ҳам наққош, ҳам хаттот, ҳам ўймакор бўлган.

Воҳа ёғоч ўймакорлигининг энг муҳим жиҳатларидан бири — уста-шогирд аънарасининг бардавомлигидадир. Шунинг учун ҳам бу мактаб яратган усуллар, нақшлар асрлар оша ўз шаклини йўқотмай келмоқда. Бу хунарга шогирдлар, асосан, 12-13 ёшдан олинади. Сабаби, ёғоч устаси, аввало, геометрик шакллари, сўнг расомлик сирларини пухта ўзлаштириши лозим. Унинг бўлимига ҳамоҳанг тасавури ҳам анчайин кенг бўлиши, бунинг учун эса бўлажак уста адабиёт ва табиатга ошно бўлиши лозим. Шундангина оддий ёғоч бетакор санъат асарига айланади.

— Мен ҳам устозларим сингари бу хунарнинг сир-асорини ёшларга ўргатишга ҳаракат қилмапман, — дейди Одамбой уста. — Чунки устозим уста Сафо шундай дер эди: “шогирд хунар ўрганиб, устасини тан олмай бошласа, устасининг оқ фотиҳасини олмай, ўзим устаман деб гўдайса, эл ўртасида бебурд бўлади. Ҳар бир устанинг ўз шогирдлари, издошлари бўлиши керак. Шогирдсиз устани эл орасида мевасиз дарахтга ўхшатишган...”

Мухтасар айтганда, Хоразм ёғоч ўймакорлик мактаби ҳудуднинг янада чирой очиши, миллий аъналаримизнинг замонавийлик руҳи билан уйғун ҳолда сайқал топишида муҳим рол ўйнамоқда. Шунингдек, уста-шогирд аънавалари ривожланиши, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва самарали ташкил этиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

Алишер РАҲМОН, “Milliy tiklanish” мухбири

Дармон дўлана

Дўлана мевалари турига қараб қизил, сариқ ва қора рангли бўлади. Дўлананинг бир ховучи истеъмол қилинса, кишини кун бўйи ташналик ва очликдан соқит қилибгина қолмай, балки унга яхши кайфият, бардамлик ва қувват бағишлайди. Дўлана инсон организмизини учун зарур компонентларга бой. Мевасининг таркибида 20 фоиз қанд, 8 фоиз ёғ, флавоноид, холин, ацетилхолин, ошловчи моддалар, каротин, С витамини, органик кислоталар мавжуд. Ўзбекистонда ўсадиган дўлананинг баъзи турларида В1, В2, РР, С, Е витаминлари борлиги аниқланган. Ўсимлик гулларида юқорида қайд қилинган моддалардан ташқари 0,16 фоизга яқин эфир мойи мавжуд.

Абу Али ибн Сино дўлананинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида шундай ёзган: “Дўлана сафрони сўндиради. Бошқа меваларга қараганда суюқликларнинг оқишини кучлироқ тўхтатади. Ич кетишини бартараф қилади ва сийдик тўтилишини тугдирмайди”.



Халқ табobatiда дўлана ич кетишида, толиқишда, аклий ҳорғинликда, уйқусизликда, асабийлашганда, юрак огриганда, ревматизм асоратидан пайдо бўлган ревмокардитда, атеросклерозда, қон босими ошганда, йўталда истеъмол қилинади. Олтой халқ табobatiда қизил дўлана бош айланиши ва асаб бузилганида шифобахш мева ҳисобланади. Франция халқ табobatiда қизил дўлана меваси, гули ва барғи асабни тинчлантирувчи, юракка дармон сифатида фойдаланилади. Ҳозирги кунда фармацевтика саноатида дўлана гуллари ва ёш новдаларидан тайёрланган тиндирма ва бошқа турли гиёҳлар билан бирга тайёрланган дори воситалари атеросклероз, невроз, асаб тизими ва юрак қон томир касалликларида кенг фойдаланилмоқда. Немис халқ табobatiда қизил дўлана гуллари ва мевалари юрак қуввати сустлигида ва қон айланиш фаолияти бузилганида, айниқса, кексалар учун жуда фойдали ҳисобланади. Замонавий тиббиётда қизил дўлана юрак фаолияти бузилганда, гипертония, аритмия, стенокардия, тахикардия, умумий атеросклероз ва танглай муртақлари яллиғланишида, сут безларининг фаолиятини яхшилашда тавсия этилади.

Дўланани оч қоринга истеъмол қилмаслик керак. Чунки у ичакни қисиб (спазм), қайт қилдиради. Бу мевани истеъмол қилгандан кейин устидан совуқ сув ичиш мумкин эмас. Акс ҳолда мева-ичак санъи қелиб чиқади. Шунингдек, уни ортқча истеъмол қилиш буйракка зарарли: мева-ичакни заифлаштириб, қуланж (колит) ҳасталиги, кўнгил айнишини пайдо қилади. Меванинг қайнатма, дахлама, қиём ва ундан тайёрланган дорилар билан даволаниш фақат шифокор маслаҳати билан ва унинг назорати остида қўлланиши лозим.

БИЛАСИЗМИ?

● Дунёдаги энг катта немис тили луғати — “Deutsches Wortebuch”: у 1854-1971 йилларда тузилган бўлиб, 33 том, 34 минг 519 бетдан иборат. Дунёдаги энг катта инглиз тили луғати “The Oxford English Dictionary” бўлиб, 21 минг 728 бетли 20 китобдан ташкил топган.

● Ёзув машинкасида терилган илк роман — Марк Твеннинг “Том Сойернинг саргузаштлари” асари.

ТУРФА ОЛАМ

Тезюрар мини-яхта

2013 йилда италиялик дизайнер Пьерпаоло Лаззари тақдим этган тезюрар мини-яхта лойиҳаси кўпчилиكنинг эътиборини қозонган эди.

Орадан икки йил ўтиб Италиянинг “Lazzarini Design” компанияси яқин вақт ичида сотувга чиқарилиши мўлжалланган унинг тақомиллаштирилган вариантини ишлаб чиқарди. Мини-яхта капсула кўринишида бўлиб, ундан шахсий



кайик ҳамда сув такиси сифатида фойдаланиш мумкин. У ойна ва пластик қопламали корпусдан иборат. Мини-яхта советиш, иситиш тизими, стол ва ўриндиқлар билан жиҳозланган. Капсуланинг ўлчами — 7,6 х 3,5 х 2,3 метр. Максимал тезлиги — соатига 71 километр. Мини-яхта ҳайдовчидан ташқари 12 кишини ўз бағрига сиғдира олади. Келгусида мини-яхтанинг бензин ҳамда дизель ёқилгиси воситасида ҳаракатланадиган кўринишларини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Кичик яхта 150 минг долларга баҳоланмоқда.

Робот-смартфон

Япониянинг “Sharp” компанияси ходимлари “RoboPhon” робот-смартфонини ихтиро қилди.

Ускунанинг оғирлиги — 390 грамм, узунлиги 20 сантиметр. “RoboPhone” одадий роботларни эсга солиди: одамлар каби ҳаракатланиб, рақсга туша олади. Қолаверса, у эгасининг овози ва юзидан таниб олади. Шу билан бирга робот-телефон замонавий смартфон сингари қатор қулайликларга эга. У орқали ҳатто қўнғирқоқ қилиш мумкин. Робот-телефон замонавий камера ҳамда икки дюмли сенсорли дисплей билан жиҳозланган. Робот “Wi-Fi”га улана олади. Яна бир афзаллиги — келган хатларни овоз қилиб ўқиб беради. Смартфонга қулоқчин улаш орқали қўшиқ тинглаш мумкин.



Робот-смартфоннинг қачон сотувга чиқарилиши ҳозирча номаълум.

Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади.

Олимп сари

Боксчиларимиз жаҳон чемпионати финалида

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни, жумладан, Олимпия ўйинлари дастурига киритилган бокс ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир. Ўзбек бокс мактаби вакиллари энг нуфузли халқаро мусобақалар — қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида шохсупадан мунтазам ўрин эгаллаб келмоқда.

Қатар пойтахти Доха шаҳрида давом этаётган бокс бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати ҳам Ўзбекистон терма жамоаси учун муваффақиятли ўтмоқда.

Ўз тарихида ўн иккинчи бор жаҳон биринчилигида иштирок этаётган терма жамоамиз мусобақага 9 боксчи билан йўл олган эди. Улар-

нинг олти нафари мусобақанинг ярим финалига етиб борди. 11 октябрь кuni бўлиб ўтган ярим финал беллашувларида 56 килограмм вазн тоифасида Муроджон Аҳмадалиев ҳиндистонлик рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмай, ғалаба қозонди. Яна бир боксчимиз Фазлиддин Гойиб-

назаров эса таиландлик Вуттичай Масукдан устун келди. 75 килограммда рингга кўтарилган Бектемир Мелиқўзиев ирландиялик чарм қўлқоп устаси Майкл Орейлини мағлуб этиб, финалга йўл олди. Бу натижа уларнинг келгуси йили Бразилияда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида ҳам иштирок этишини таъминлайди.

Финал йўлланмаси учун баҳс олиб борган уч ҳамюртимиз — Элнур Абдураимов (60 кг), Элшод Расулов (81 кг) ва Баҳодир Жалолов (+91 кг) жаҳон чемпионатининг бронза медаллари билан қийофланди. Шундай бўлса-да, бу Ўзбекистон бокс терма жамоаси учун рекорд натижа ҳисоб-

ланади — шу пайтгача терма жамоамиз бирор марта ҳам жаҳон чемпионатларида учта бронза медалига эгалик қилмаган эди.

Жаҳон чемпионатининг финал баҳсларида уч нафар боксчимиз — Муроджон Аҳмадалиев ирландиялик Майкл Конлонга, Фазлиддин Гойибназаров россиялик Виталий Дунайцевга, Бектемир Мелиқўзиев эса Куба вакили Арлен Лопесга қарши ғолиблик учун рингга чиқди.

Айни пайтда вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринда бормоқда.

Аҳмад ЮСУПОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАҲИЛДИНОВ, Мухаммадқон КУРОНОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолддин САФОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исҳат ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бosh муҳаррир: Бехзод НОРБОВЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия хайти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бosh муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қўроғ бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Газета ҳафтанинг чоршанба кuni чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1025, Адади — 5488. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шоҳида ДАМАНОВА
Навбатчи: Шаҳзод ФАФФОРОВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.50.
ЎЗА якуни — 20.50.

